

## ТИББИЁТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ХАТАРЛАР ТАХЛИЛИ

**Зафар Жўраев**

Професор, Андижон Машинасозлик Институти

[zbjuraev@gmail.com](mailto:zbjuraev@gmail.com)

**Исмоилжонов Ёдгорбек**

Таянч докторант

Андижон машинасозлик институти

[yodgorbek93@gmail.com](mailto:yodgorbek93@gmail.com)

### **АННОТАЦИЯ**

*Тиббий асбоблар ҳаётни сақлаб қолиши мумкин, аммо агар улар тўғри ишламаса ёки тўғри ишлатилмаса, улар беморлар ва фойдаланувчилар / операторларга зарар етказиши мумкин. Тиббий асбоб бузилганлиги сабабли ўз вақтида ташхис қўйши ёки даволаши имконияти бўлмаганлиги ҳам беморга зарар етказиши мумкин. Ушибу ҳолатларнинг барчасида тиббий асбоблар хавф тўғдирувчи, яъни соғлиқ учун потенциал зиён, зарар ёки салбий таъсир манбаи ҳисобланади..*

**Калим сўзлар:** *Хавф-хатарлар, тиббий жихозлар, тиббий техника, соғлиқни сақлаш.*

## **АНАЛИЗ ВОЗМОЖНЫХ РИСКОВ ПРИ УПРАВЛЕНИИ МЕДИЦИНСКИМИ ТЕХНОЛОГИЯМИ**

### **АННОТАЦИЯ.**

*Медицинские устройства могут спасти жизни, но если они работают неправильно или неправильно используются, они могут нанести вред пациентам и пользователям/операторам. Невозможность своевременной диагностики или лечения из-за поломки медицинского изделия также может нанести вред пациенту. Во всех этих случаях медицинские изделия считаются опасными, то есть источником потенциального вреда, ущерба или неблагоприятного воздействия на здоровье..*

**Ключевые слова:** *Риски, медицинская техника, медицинская техника, здравоохранение.*

## ANALYSIS OF POSSIBLE RISKS IN THE MANAGEMENT OF MEDICAL TECHNOLOGIES

### ***ANNOTATION.***

*Medical devices can save lives, but if they malfunction or are not used properly, they can harm patients and users/operators. Inability to timely diagnosis or treatment due to a broken medical device can also harm the patient. In all of these cases, medical devices are considered a hazard, that is, a source of potential harm, damage or adverse effects to health.*

**Key words:** Risks, medical equipment, medical equipment, health care

Хавфлар ҳамма жойда учрайди. Касалхоналарда беморлар ва ходимлар дуч келадиган баъзи хатарлар тиббий асбоб-ускуналар билан боғлиқ.

### **Хавф-хатарлар**

Касалхона ичидаги хавф «*касалхонанинг натижаларига эришишга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай нарса*» деб таърифланади.

### **Хавф:**

- муайян вазиятдаги омиллардан бири ёки одатда, омиллар комбинацияси билан боғлиқ
- содир бўлиши мумкин бўлган бир ёки бир нечта номақбул таъсирларни келтириб чиқарадиган ҳодиса
- касалхонанинг мақсадлари ва натижаларига эришишга путур етказадиган нарса

Касалхоналарда соғлиқни сақлашнинг мураккаблиги ва беморларнинг заифлиги туфайли хатарлар муқаррар ва табиийдир. Беморларнинг соғлиғи ва заифлашиши билан боғлиқ ички хавф омилларидан ташқари, bemornинг йиқилиши ва жароҳат олиши эҳтимолини оширадиган ҳўл поллар каби ташқи омиллар ва хавфлар мавжуд. Жароҳатлардан ташқари, bemорлар касалхонада бўлганларида инфекцияни юқтиришлари ёки қонида тромб хосил бўлиши мумкин. Натижада, уларнинг касалхонада туриш муддати узайиши ёки уларни қайтадан госпитализация қилиш керак бўлиши мумкин, бу эса кейинги даволаниш харажатларини оширади. Беморда сепсис ривожланиши ҳам мумкин, у эса аниқланмаган тақдирда ўлимга олиб келиши мумкин. Олдини олиш мумкин бўлган хатарлар номаъкул ёки самарасиз процедуралар, ходимларнинг ишни яхши билмаслиги ёки лаёқатсизлиги ёки жиҳозланиш даражаси етарли эмаслиги ёки нотўғри фармакотерапия натижасида келиб чиқиши мумкин. Баъзи бир

хатарларни, масалан, "тўғри фармакотерапия"-нинг ножӯя таъсири, агар унга тенг қийматли альтернатива бўлмаса, биз шунчаки қабул қилишга мажбурмиз.

### **Хавфсизлик тахдидлари**

Тиббий асбоблар ҳаётни сақлаб қолиши мумкин, аммо агар улар тўғри ишламаса ёки тўғри ишлатилмаса, улар bemorlar ва foidalanuvchilar / operatorlariga зарар etkaziishi mumkin. Tiбbий asbob buzilganligi sababli ўз vaqtida tashxis kўyiш ёки даволаш imkoniyati bўlmaganligi ham bemorga zarar etkaziishi mumkin. Ushbu xolatlarning barcasida tiбbий asboblар xavf tўғdiruvchi, яни soғlik учун потенциал зиён, зарар ёки salbij taъsir manbai xisoblanadi.

Хавфсизлик bemorlar, xodimlar va umuman kasalxona sharoitlari/muҳити bilan boғliq. Xususan, soғlik va xavfсizlik muammolari kуйидаги shaҳslarغا tegishi:

- тиббий uskuналар bilan ishlайдиган clinic / tiбbiёт mutахassisлари
- тиббий uskuналарни tозалаш, dezinfekция қилиш ва steriliзация қилиш учун маъсул kasalxona xodimлари
- техник хизмат kўrsatiш пайтида - техник / muҳандis iшчилари,
- тиббий asbob-uskuналар ёрдамида tekшириладиган, operasiya қилинадиган ва давolanadigан bemorlar
- тиббий asbob-uskuналар bilan boғliq xatarлар туфайli salomatligiga va xavfсizligiga salbij taъsir kўrsatилиши mumkin bўlgan boшқа xodimлар, bemorlar va tashrif buyuruvchilar.

Xavflarning xар xил turлari mavjud bўlib, ularda tiбbий asbob-uskuналар kуйидагилар каби rol ўйнаши mumkin:

- mechanik xavf-xatarлар, masalan, boшқарув moslamalarinинг armaturalari, tiбbий asbobning ўtkir қирралари ёки uskuналар aравачalariда ғildiraklarning bўshab қолishi
- yahshi dezinfekция қилинмаган tiбbий asbob-uskuна юзасидagi patogen mikroorganizmlar ning юқишига boғliq bўlgan biologik xavf
- kimёвий zaرارli moddalар, masalan, nuksонli infuzion насослар orқали yoboriladigан kimёvий terapевтик ёки anestetik vositalар bilan boғliq kimёvий xavflar
- nuksонli ёки bўshaшgan elektr simlari va tebraniш/vibrazioneдан keliб чиқадиган elektr xavfi
- rentgen apparatlari va KT сканерлари каби radiasiya xosil қiluvchi uskuналардан va radiofarmaceutik vositalardan keladigан radiasiya xavfi.

- магнит-резонанс томография (МРТ) ускунасидан келиб чиқадиган магнит майдон хавфлари
- нуқсонли сиқилған газ баллонлар туфайли портлаш/ ёнғин содир бўлиши билан боғлиқ хавфлар
- тиббий асбобга уланган симлар, найчалар ва шланглар билан боғлиқ хавфлар, масалан, силжимоқ / қоқилиш хавфи.

Ускунани ишлатиш пайтида кенг тарқалган хавфсизлик таҳдидларига мисоллар

Ускуна тури	Хавфсизлик таҳдидлари
Кондиционер/шамоллатиш (вентиляция) тизимлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>♦ фильтрларни тозаламаслик ва қуритмаслик ва ҳаво оқимини мунтазам равишда текширмаслик бактерияларни қўпайишига ва ҳаво орқали юқадиган инфекцияларни тарқалишига олиб келиши мумкин.</li> </ul>
Автоклавлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>♦ камерадан ҳавони тўлиқ чиқармласлик (ичкарида ҳаво чўнтаклари/пуфаклари қолганлиги туфайли) стерилизация жараёни бузилишига олиб келади, заарланган материал хавфсиз ҳолатга келтирилмайди ва бу материални ишлатадиган ходимларга хавф тўғдиради.</li> <li>♦ ичидағи нарсалар совушидан олдин эшикни очища эҳтиёт бўлмаслик буғдан куйишга ва суюқликни стерилизация қилганда шишалар портлашига олиб келиши мумкин.</li> <li>♦ иссиқ нарсаларни олиш учун қўлқоп ёки олиб тушириш қисқичларини ишлатмаслик куйишларга олиб келиши мумкин</li> <li>♦ тозаланмаган (юмшатилмаган) минераллар ёки туз миқдори юқори бўлган сув билан ишлатиш хавфсизлик клапанларини тўсиб қўядиган қасмоқ қатлами ошишига олиб келади.</li> <li>♦ пукак/тиқинсиз найчалардан фойдаланиш (бурама қопқоқли турининг ўрнига) қурилма ишга туширилганда ёки тўхтагандан заарли суюқликлар учеб чиқишига олиб келиши мумкин.</li> </ul>
Центрифугалар	<ul style="list-style-type: none"> <li>♦ қопқоқсиз центрифуга стаканларидан (қопқоқлиларнинг ўрнига) фойдаланиш натижасида, пробиркалар синганда юқумли аэрозоллар ва шиша парчалари катта майдонга тарқалиб кетади</li> <li>♦ юкланиши мувозанатга келтира олмаслик ёки ротор крестовинасини ёки стаканларни тўғри ўрната олмаслик оғир нарсалар «ажраглиб» чиқиб кетишига олиб келиши мумкин</li> </ul>

Ускуна тури	Хавфсизлик таҳдидлари
Электр-жарроҳлик/ диатермия асбоблари	◆ электродларнинг ёки беморнинг операция столининг металл қисмларига нисбатан нотўғри жойлашиши беморни куйишга олиб келиши мумкин
Моторлар	◆ техник хизматдан кейин хавфсизлик мосламалар/тўсиқларни жойига кўймаслик операторларни тез ҳаракатланадиган қисмлардан келиб чиқадиган хавф остига қўяди
Чақалоқлар кювездлари	◆ корпуснинг/бокснинг ёмон тозаланиши нам атмосферада бактерияларни кўпайишига шароит яратади, уларни чақалоқ нафас олади
Фототерапия ускуналари	◆ гўдакларнинг кўзини боғлов билан ёпмаслик, ретинага заар/шикаст етказиши мумкин
Тез қайнар турдаги стерилизаторлар	◆ уларни қуруққача (сув тугагунча) қайнатишида буғсиз қуруқ иситиш яратилиб, ичидаги нарсаларга ва стерилизаторга заар етказади ва оператор куйиш жароҳати олиши мумкин. ◆ буғ чиқарадиган клапан ёки хавфсизлик клапани носоз холатида ишлатганда юқори босимдаги идиш сикилган буғни чиқара олмайди ва портлайди
Плиталар	◆ иссиқ юзаларни ёки очик оловни етарли даражада эҳтиёт қиласлик куйишга олиб келади
Электроотсослар (тортиш насослари)	◆ техник хизмат қўрсатиш ишлари бошланишидан аввал машинани стерилизация қиласлик натижасида техник хизмат кўрсатувчилар бемор танасидан чиқкан суюқликлар билан заарланиши мумкин ◆ теридаги жароҳатлар ёки қирилган жойларни қопламаслик, қўлқоп киймаслик ва машинанинг бирон бир қисмидан сўриш ёки ичига пуфлаш техник хизмат кўрсатувчи ходимларнинг инфекция юқтиришига олиб келиши мумкин.
Сув насослари	◆ минерал мойлагич насос орқали ўтаётган сув билан алоқа қилишига имкон бериш сувни ифлослантиради
Пайвандлаш ускуналари	◆ тегишли пайвандчи кўзойнаги / ниқобини киймаслиги ретинанинг шикастланишига олиб келади

Манба: (Temple-Bird, Kaur, et al., 2005a, p. 61)

### Хатарларни бошқариш жараёни

Хатарларни бошқариш - бу хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларга таъсир қўрсатишни ўз ичига олган тизимли ва фаол жараён. Хатарларни бошқаришнинг мантиқий асоси, олдини олиш мумкин бўлган хатарларни минималлаштириш ёки идеал тарзда йўқ қилиш имкониятидир. «Хато қилиш - инсонларга хос

(хислат)», деб номланган обрўли/нуфузли ҳисоботнинг 1999 йилдаги тахмини бўйича – олдини олиш мумкин бўлган тиббий хатолардан АҚШ касалхоналарида ҳар йили 44000 дан 98000 гача ўлим содир бўлади (Kohn et al., 1999). Агар бу рақамлар юқори технологияли тиббиётга ва яхши малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган АҚШ каби ривожланган мамлакатда тўғри бўлса, «сизнинг мамлакатингизда тиббий хатолар туфайли қанча ўлим юз беради?» деган савол туғилади.

Олдини олиш мумкин бўлган хатарлар ва улар томонидан қўрсатилган ҳақиқий заарга оид маълумотлар ва далиллар одатда кам бўлсада, сўнгти йигирма йил ичида жамоа ва касбий хабардорлик даражаси ошди. Шифохоналар, индивидуал тиббий хизмат қўрсатувчилар ва уларнинг суғурталовчиларининг зиммасига тушадиган суд ишлари билан боғлиқ харажатларининг ошиши туфайли хатарларни бошқариш айниқса муҳим масала бўлди. Бинобарин, хатарларни бошқариш қўйидаги мақсадларни кўзлади:

- хатарлар сонини ва юзага келадиган хатарларга боғлиқ харажатларни камайтириш
- шифохона ва унинг ходимларининг номини (репутациясини) ҳимоя қилиш
- ҳодисалардан сабоқ олиш ва уларнинг такрорланишини олдини олиш учун тегишли ўзгаришлар киритиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Анна К. Гулямов Б. Мирварисова Л. Илгор тиббий технологиялар менежменти бўйича менежерлар учун ўқув қўлланма, Тошкент 2021, 5 бет
2. Juraev, Z., Nishonov, V., & Abdurahimov, J. (2018). Metrology service in the field of medicine. In Problems of modern science (pp. 100-103).
3. Abduvokhidov, K., Ismoiljonov, Y., & Komilov, B. (2021). Quality management systems in healthcare: myths and reality. Universum, 70-74.
4. Bakhromjon, K., Azizbek, Y., Gullola, U., & Khalilillo, A. (2021). Quality Control and Metrological Service in the Field of Medicine. Universum: технические науки, (9-2 (90)), 61-64.
5. Убайдуллаева, Г., & Гуламов, С. (2023). Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида метрологик хизматнинг аҳамияти. Science and Education, 4(2), 692-697.